ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ АНТОНИМИК КОГЕЗИЯ

Ш.Б. Хожанов

Мақола тилнинг луғат таркибида антонимияни ҳосил қилишда қатнашадиган когезия ҳодисаси, уни юзага чиқарадиган лисоний воситалар тадқиқига бағишланган.

***Калит сўзлар**: антонимик когезия, эквивалент антонимлар, субституцион антонимия, парафразали антонимия, диктема, тип.*

Статья посвящена изучению когезии, участвующего в образовании антонимии в словарном составе языка, и средств его проявления.

***Ключевые слова:** антонимическая когезия, эквивалентный антоним, субституционная антонимия, парафразная антонимия, диктема, тип.*

The article is concerned with the phenomenon of Cohesion which promotes the formation of antonymy it the vocabuary system of a language.

***Key words:** antonymic cohesion, equivalent antonymis, substitutional antonymis, paraphrase antonymis, dictums, types.*

Гуманитар фанлар антропоцентризмга интилаётган ҳозирги даврда лисоний тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида матн лингвистикасини кўрсатиш мумкин. Албатта, бу – табиий ҳодиса, чунки, биринчидан, коммуникациянинг энг асосий элементи матн ҳисобланади, иккинчидан, матн тилшунос олим тадқиқот объекти сифатида оладиган асосий манбадир. Матннинг асосий белгиси – унинг таркибидаги бўлакларнинг ўзаро алоқадорлиги, яъни когезиядир. Когезия матннинг асосий категорияси сифатида тан олинади. Г.В.Милевскаянинг таъкидлашича, когезия нутқ жараёнида элементлар интеграциясини, континтуумни – кетма-кетликни таъминлайди, матндаги элементларнинг структур-семантик бирикишида ойдинлашади, матн кетма-кетлиги ва мантиқий бутунлигини таъминлайди [1.52].

Когезия матн элементларини маъно ва шакл жиҳатидан боғлаб келади. Инглиз тилидаги когезия тадқиқига бағишланган М.А.К.Халлидей ва З.Хасанларнинг монографиялари мавжуд [2.374]. М.А.К.Халлидейнинг фикрига кўра, когезия матндаги фикрнинг якунланишини, унинг яхлитлигини, тўлиқ бир бутунлик сифатида бўлишини таъминлайди.

Антонимик когезия матн элементлари ўртасидаги қарама-қарши алоқани таъминлашга хизмат қилиб, матнда диктемалар таркибидаги контакт ва дистант гаплар оралиғида қўлланади.

Умумий ва фразалар ўртасидаги антонимик когезияни юзага чиқарувчи воситалар бўлиб, жумладан, функционал-семантик когезия сифатида турли иерархик босқичдаги: лексик, морфологик ва синтактик антонимлар қўлланади, шунингдек, матн воситалари: семантик эквивалентли антонимлар – субституцион антонимия ва парафразали антонимия.

Диалогни бекор қилиш, аниқлиқ киритиш, ваъда бериш, қарама-қарши қўйиш, хато маълумотни тузатиш каби нутқ актларида реплика антонимик когезияни боғлаш вазифасини бажаради. Матнда антонимик когезияни шакллантирувчи воситалар сифатида қуйидаги стилистик усуллар қатнашади: антитеза, оксюморон, антифразис, синтактик параллелизм, такрор, пунктуация ва график ажратиб кўрсатиш – кўп нуқта қўйиш, қўштирноқ ичига олиш ва ҳ.к. Бу усуллар антонимик когезиянинг экспрессив салоҳияти тушунчасини шакллантиради.

Диктемалар антонимик когезиядаги иштирокига нисбатан қуйидаги турларда учрайди:

а) бутун диктема давомида антонимик когезия қўлланадиган диктемалар;

б) маъно маркази, кириш ёки якун вазифасида қатнашадиган гаплар, антонимик когезия орқали бирлашган диктемалар;

в) антонимик жуфтликнинг биринчи компоненти бошида, иккинчи компоненти охирида қўлланадиган диктемалар;

г) антонимик когезиянинг воситалари вазифаси жиҳатидан кўмакчиларга яқин бўлиб, диктеманинг семантик яхлитлигини шакллантиради.

Кўпчилик муаллифлар ўз ижодида қарама-қарши маънодаги ва турли конфигурациядаги диктемаларнинг структур-семантик типларини қўллайди. Масалан: Бул жол қаяқларға алып барады, Көз-көреки *аққа қара* жаққанға. Не жаза болады…

Саўал ҳəм саўал. Көп мəрте аяққа басылды ҳүждан, Пəслик байрақлары аспанға шықты. Ел-журт тамашагөй. Бири мен едим. Руўҳымда мөрленип қалған тамғалар, - енди ақты *қара* етери сөзсиз, енди қараны *ақ* етери анық (С.Ибрагимов).

Ушбу мисолда кўчма маънодаги *“оқ-қора”* антонимлари матннинг яратилишида марказ вазифасини бажарган, матннинг кетма-кетлигини таъминлаган.

Антонимик когезиянинг воситалари, агар асосий мавзу икки қаҳрамон, нарса ва ҳодисаларни контраст қиёслаш бўладиган бўлса, барча диктемалар таркибида ишлатилади. Бу эса тилшуносликда эксплицит антонимик антитезалаштирувчи когезия деб ҳам юритилади. Бундай диктемалар антитезалаштирувчи диктемалар вазифасини ҳам бажара олади. Антитезалаштиришнинг икки типи мавжуд:

а) диктеманинг мазмуни икки контраст бўлимга бўлинмайди. Қиёсланаётган воқеа, ҳодиса, нарсалар кетма-кетликда тушунтирилади. Масалан: Дослар келеди гүўлеп мен қуўанғанда, Тос айтып, шадлы саз шалды да кетти. Қуўанышымды берсем алмады сонда, Ҳəммеси өзиме қалды да кетти. Қайғы таўы қақ шелкеден басқанда, Дослар келди “муңайма - деп – ҳасланда”. Арзан деңгенени аяқласқандай, Қайғымды бөлисип алды да кетти (И.Юсупов). Ушбу мисолларда *“қайғўни бўлишиб олиб кетиш”*, *“қувончига қувонч қўшиб уни қолдириб кетиш”* каби семантик антонимлар ишлатилган.

б) диктеманинг мазмуни икки контраст бўлимга бўлинади. Биринчисида бир референт баёнланса, иккинчисида қарама-қарши сифатга эга иккинчи референт баёнланади. Бу диктемалар боғламали сўз ёки сўз бирикмасига эга бўлиб, улар бир бўлимдан иккинчи бўлимга ўтганликни аниқ кўрсатади, бироқ бундай элементлар бўлмаслиги ҳам мумкин.

Антонимик когезиянинг воситалари ёрдамида икки гап унинг бир маъно маркази сифатида қатнашадиган диктемага бирлашиши мумкин. Бундай гапдан сўнг у билан маъно жиҳатидан алоқадор бўлган иккинчи – адъюнкт гап қўлланади.

Антонимик когезиянинг воситалари орқали диктеманинг бошида турган гап тузилиши мумкин. Бу гап кейинги баёнга кириш вазифасини бажаради. Антонимик когезия билан диктеманинг охирида турган, маъно жиҳатидан якун вазифасини бажарадиган гап тузилиши мумкин. Ушбу гап олдинги баённинг мантиқий якуни ҳисобланади. Масалан: И.Юсуповнинг “Қыйын ҳəм аңсат” шеърида “Актрисанинг саҳнадан кетиши, Амалдорнинг отдан тушиши, Порахўрнинг “олмайман” дейиши, *Қийин* нарса шу учтаси. Аҳмоқларни мақтаб гапиртириш, Тил билан яхшилик қилиш, Кишиларга ақл ўргатиш, *Осон* нарса шу учтаси” деган сатрлар бор.

Ушбу мисолда биринчи банднинг сўнгги қаторида *“қийин”* сўзи, иккинчи банднинг охирги қаторида эса унинг антоними *“осон”* сўзи ишлатилган. Шундай қилиб, *“қийин-осон”* антонимик жуфтлиги бу шеърни яратишда асосий вазифани бажаргани кўринади.

И.Юсуповнинг “Тасқа көгерген гүл” шеърида ҳар бир саккизликнинг охири “Одам тошдан қаттиқ, гулдан ҳам нозик” мисраси билан якунланган. Бу мисрадаги *“қаттиқ”*, *“нозик”* антонимлари якун вазифасини бажарувчи гапнинг таркибида ишлатилган.

Антонимик жуфтликнинг бир компоненти диктеманинг бошида, иккинчиси охирида ишлатилиши мумкин. Бу эса гапларнинг ўртасидаги баёнлаш дастлабки ҳолат ва унинг деталларидан унга қарама-қарши бўлган иккинчи ҳолатга аста-секин ўтишни англатади. Масалан, Бердақнинг “Балам” шеърида қорақалпоқ халқининг “Жаманнан қаш, жақсыға жантас (ёмондан қоч, яхшига эргаш)” мақоли ишлатилган. Муаллиф унинг “ёмондан қоч” деган қисмини шеърнинг дастлабки мисраларида қўллайди, “яхшига эргаш” деган иккинчи қисмини ижодий жиҳатдан бойитиб “Бошингни қўш яхши дўстга” шаклида шеърнинг охирида қўллаган: “Жаман деген түспе көзге, Ендирмегил сарғыш жүзге, Ерме тағы шуғыл сўзге, *Жаманнан қаш* жастан балам. *Басыңды қос* жақсы досқа, Дос таппай ҳəм жүр ме босқа, Қасыңа келмесин шошқа, Соннан аман болғыл, балам”.

Антонимик когезиянинг воситалари функционал қўлланиши жиҳатидан ёрдамчи сўзлар вазифасига яқинлашади. Улар диктема семантик яхлитлигининг шаклланишига шароит яратади. Антонимик когезия, яъни матн бўлаклари ўртасидаги қарама-қаршиликка асосланган алоқа шакли матн бутунлигини таъминлашга хизмат қилади. У функционал-семантик категория бўлиб, амалда қўлланишида тилнинг турли босқичлари бирликлари қатнашади. Антонимик когезия контакт, яъни ўзига яқин жойлашган гапларда ҳам, шунингдек, дистакт, яъни бир диктема таркибида ҳам бўлиши мумкин, шунингдек, бошқа диктема таркибида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, И.Юсуповнинг “Диалектика” шеърининг дастлабки икки қатори қуйидагича: “Одамлар яратар замон деганни, Замонлар яратар одам деганни”.

Бу мисолдаги антонимик когезия – дистакт. Чунки муаллиф шеърнинг дастлабки ва энг сўнгги икки қаторида ушбу мисрани такрорлайди. Шунингдек, тилшунос олим Ш.Абдиназимовнинг

2015 йил “Илим ҳәм жәмийет” журнали 2-сонидаги “Қарақалпақ тилинде пәт жоқ па?” номли мақоласида ҳам матнни яратишда антонимик когезия усталик билан қўлланган. Мақоланинг бошида “*йўқ*” предикативини қўллаган, энг охирида эса “Қорақалпоқ тилида урғу бор. Қорақалпоқ тили урғули тиллар қаторига киради” деб якун ясайди. Ушбу мақолада “*бор”* ва “*йўқ*” предикативлари антонимик когезиянинг нутқдаги кўриниши бўлиб, унинг матн яратишдаги вазифаси аниқ кўринади.

Монологик матнда контраст гаплар ўртасидаги антонимик жуфтлик сифатида матннинг қуйидаги бўлаклари қатнашади: бир ўзакли ва ҳар хил ўзакли лексик антонимлар, муаллифнинг ижодига хос лексик антонимлар, морфологик антонимлар, уларга антоним ёрдамчи сўзлар, феълнинг бўлишсизлик шакллари, келишик қўшимчалари, сифат ясовчи аффикслар; синтактик антонимлар, предикатив маркази морфологик антонимия орқали берилган синтактик конструкциялар ва ҳ.к.

Диалогларда тил алоқаларининг реплика орқали ўзига хос тури намоён бўлади. Диалог репликалари ўртасидаги боғловчилик вазифаси монологдаги каби антонимик когезия воситалари ёрдамида бажарилади. Шу билан бирга, диалогларда антоним парафразалар, субституционал антонимларни англатиш воситалари кўпроқ ишлатилади.

Ж.Лайонзнинг таъкидлашича, антонимия ҳодисасини тушуниш логик-семантик нуқтаи назардан мураккабдир. Масалан, агар шу асосда қарама-қарши миқдор маъносини англатилса, кўпайиши ва камайиши мумкин бўлса, яъни градация жараёни юз берса (масалан, иссиқ – илиқ – совуқ), унда энг четки белгини англатадиган сўзларни антоним термини билан аташ мумкин. Ж.Лайонз градацияни қиёслаш операцияси билан солиштиради: белги, хусусият, ҳолатни таҳлил қилишда унинг кўп ва оз миқдорда кўриниши ҳисобга олинади. Шундай қилиб, антонимик жуфтликнинг компонентлари чама кўринишидаги алоқага эга бўлиши мумкин. Яъни, агар сўз ўзининг антонимига эга бўлса, бироқ контекстда антонимнинг бу компоненти ишлатилмаса, бундай ҳолатда матнда ишлатилган сўзга қиёслаш орқали унга қарама-қарши бўлиши мумкин бўлган иккинчи компонент фикрлаш орқали тикланади. Масалан, “Кўк пинжомдагига солиштирганда, қизил пинжомдаги сув совуқроқ” деган мисолда “илиқ” антоними контекст асосида тикланиши мумкин [3.488]. Унинг кўрсатишича, бундай матнларда жуфтлик компонентларини бирлаштириш англатиладиган тушунчалар ўртасидаги ассоциатив боғлиқликка асосланади. Шундай қилиб, антонимик жуфтлик иккинчи аъзосининг матнда ишлатилиши зарурий элемент ҳисобланмайди [3.543].

И.Юсуповнинг “Қандай жақсы усы заманда” шеъридаги: “Қулақ салып көрсең дым қызық, От жақпай-ақ писирип атыр. Биреўлерди атқа мингизип, Биреўлерди түсирип атыр” мисраларида ишлатилган “*отға мингизиш, отдан тушириш*” сўзлари тўғри маъносида эмас, балки кўчма маъносида бир-бирига антонимдир. Шеърнинг охирги мисраларида “*Бировларни туширяпти”* бирикмалари ҳам “*отдан тушириш - амалдан бўшатиш*” маъносини англатади. Ушбу мисолда “отдан” сўзи ишлатилмаган. Бу сўз контекст орқали англашилади.

Хулоса қилиб айтганда, антонимик когезия матннинг бўлаклари ўртасидаги қарама-қарши алоқани таъминлашга хизмат қиладиган лисоний ҳодисадир. Антонимик когезиянинг асосий вазифаси матндаги диктемалар таркибидаги контакт ва дистант гаплар оралиғида қўлланиб, нутқ жараёнида элементларнинг интеграциясини таъминлаш, уларнинг структур-семантик бирикишини ойдинлаштиришдир.

Адабиётлар:

1. Милевская Г.В. Связность как категория дискурса и текста (Когнитивно-функциональный и коммуникативно-прагматический аспекты): Дисс… д-ра филол.наук – Ростов на Дону: РГУ, 2003. – 390 с.

2. Halliday M.A.K., Hasan R. Cohesion in English Text/ M.A.K.Halliday, R.Hasan.– London: Longman. Group LTD. 1976. –374 p.

3. Лайонз Джон. Введение в теоретическую лингвистику. Пер. с. англ. под. ред. и с предисловием В.А.Звегинцева. – Москва.: Прогресс. 1978, – 540 с.

Қорақалпоқ давлат университети,
2016 йил 29 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ш.С.Алимов)